O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**«Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик».**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI — O'ZBEKISTON

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2007-yil ● 15-sentabr ● Shanba ● 114-115 (27.760) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

# Ўзбекистон мамлакатни фаол ислоҳ этиш ва модернизациялаш йўлида

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси дунёнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, академик, эксперт, дипломатия доираларида, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди. Бунда экспертлар Президент Ислом Каримов ўзбек давлати тараққиётининг ҳозирги босқичини демократияни ривожлантиришга йўналтирилган фаол ислоҳ этиш ва модернизациялаш даври, деб таърифлаганига эътибор қаратишмоқда.**

Президент Ислом Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, **РФ Сиёсий конъюктура маркази эксперти Евгения Войко** қуйидагиларни қайд этди: «Айни пайтда ўзини сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатдан намоён этаётганини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонни муваффақиятли мамлакат, деб аташ мумкин. Ўзбекистон нафақат минтақада, балки халқаро майдонда ҳам муҳим аҳамият касб этадики, хорижий шериклар томонидан республикага қаратилаётган катта эътибор бундан далолат бериб турибди».

Е.Войконинг фикрича, Ўзбекистон давлати раҳбарининг маърузаси нафақат мамлакат тараққиёти иккинчи босқичининг муваффақиятларини, балки мустақилликнинг биринчи кунларидаги қийинчиликларни ёдга солиши билан ҳам қизиқарлидир. «Бироқ, дейди россиялик эксперт, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даражаси мустақиллик эълон қилинганидан кейинги дастлабки йиллардагидан кескин фарқ қилади. Асосий фарқ устуворлик ўзгарганида кўринади. Агар дастлабки пайтда ривожланиш, аниқроқ қилиб айтганда, янги иқтисодиётни қайта барпо этиш устувор аҳамият касб этган бўлса, ҳозир давлат томонидан катта эътибор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилмоқда».

**Япониянинг собиқ молия вазири, Тойо университети фахрий ректори М.Шиокава** Осиёдаги саноати тараққий этган етакчи мамлакатлар, шу жумладан, Япониянинг ривожланиши тарихини ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич ва самарали тарзда рўёбга чиқаришга асосланган Ўзбекистон Республикасининг замонавий ва жадал давлат қурилиши билан таҳлилий таққослаш республика Раҳбарияти сиёсатининг узоқни кўра билиши ва самарадорлигини кўрсатади, дея қайд этди.

Президент И.Каримов маърузасида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг долзарблигини таъкидлар экан, М.Шиокава республикамиздаги иқтисодиёт барқарор ўсишининг суръатларини таъминлаш, саноат ва қишлоқ хўжалигида юқори рентабелли тармоқларни яратиш, шунингдек, миллий кадрлар тайёрлаш учун зарурий кафолат бўлган сиёсий барқарорликнинг даражасига юқори баҳо берди.

**Кембриж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми раиси, профессор Ситхард Саксена** Президент И.Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, Ўзбекистонда танланган ва рўёбга чиқарилаётган давлат ривожланишининг ўз модели тўғрилигига ишонч билдиргани ҳолда бу моделнинг ҳаётга татбиқ этилиши босқичлари маърузада аниқ-равшан ўз ифодасини топганини қайд этди. Профессор С.Саксена республика раҳбариятининг барқарорликка эришиш ва Ўзбекистондаги жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш борасидаги ролини алоҳида таъкидлади.

**«Уч дин форуми» халқаро ташкилоти директори Сидин Шиптон** қайд этганидек, кўп миллатли аҳоли ўртасида тинчлик ва тотувлик таъминлангани, турли диний конфессиялар вакиллари дўстона ва бир-бирини тўғри тушунган ҳолда яшаётгани Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари давомида эришган энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. С.Шиптон республикадаги мусулмон, христиан ва яҳудий жамоаларининг етакчилари иштирокида динлараро уйғунликка эришиш бўйича Ўзбекистон тажрибасига бағишлаб шу йил июнь ойида Лондонда ўтказилган семинарни катта муваффақият ва намуна бўлса арзийдиган мисол, деб баҳолади. Тадбир жуда самарали бўлди — у нафақат Британиянинг диний доираларида, балки Лондон дипломатия корпусида ҳам катта қизиқиш уйғотдики, аллақачон қатор элчихоналар Форумимизга «ўзбек модели» бўйича семинар ўтказиш таклифи билан мурожаат қилишди, дейди у.

**Қирғизистонлик академик Р.Раҳмоналиев**нинг баҳо беришича, «Ўзбекистон Республикаси мустақил миллий давлат сифатида жамиятни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ривожлантиришни Президент томонидан ишлаб чиқилган дастур асосига қўйди ва бу жараён изчил давом этмоқдаки, 5 тамойил унинг муҳим қирраларини ўзида ифода этган».

Р.Раҳмоналиевнинг қайд этишича, «бу беш тамойил сингари замонавий Ўзбекистондаги «янги уй қурмай туриб эскисини бузма» шиори ҳам бугун ҳаммага маълумдир. Президент Ислом Каримов ўз маърузасида қайд этганидек, мустақиллик шароитида Ўзбекистонда давлат ва жамият тараққиётининг асосий ғояси миллий қадриятлар сақланган ва мустаҳкамлангани, халқнинг менталитетига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлингани ҳолда демократик давлат барпо этишда жаҳон тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бўлди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ☑ Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!





*Қарши донни қайта ишлаш «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти қошида ишга туширилган ун қоплари тикиш цехи нафақат жамиятнинг, балки бошқа турдош корхона ҳамда аҳолини ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшмоқда.*

*— Цехимиз Хитойдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, — дейди цех бошлиғи Ризоқул Ахмонов. — Илгари жамиятимиз ун қадоқлаш учун қопни четдан харид қилар эди. Эндиликда бир кеча-кундузда 10 минг донагача турли ўлчамдаги ун қоплари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг учун зарур сунъий ип ва матолар ҳам шу ернинг ўзида тайёрланади.*

*Цехда 55 нафар ишчи меҳнат қилади.*

**Суратларда:** тўқувчи Раънохон Эргашева иш устида; «Дунё-М» ҳиссадорлик жамиятидаги ип йигирув ва тўқув цехи кўриниши.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ☑ ЎзХДП: устувор вазифалар

# МАҚСАД — МУДДАОМИЗГА ЭРИШИШ

### УЧУН ҲАР БИР ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ ФАОЛЛИГИ, ТАШАББУСКОРЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

**Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик тузилмалари, матбуот нашрларининг ташкилий-сиёсий тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Унда билдирилган айрим фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.**

**Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ёзувчилар уюшмаси раиси:**

— 16 йил айтишга осонгина туюлиши мумкин. Лекин бу ниҳоятда катта воқеликка айланди. 16 га кирган фарзандларимиз бугун фуқаролик паспорти олдилар. Бу энди уларнинг улғайиб мустақил ҳаётга қадам қўяётганларидан далолатдир. Президентимиз айтганларидек, воқеаларни таққослаганда кўп нарса аён бўлади. Мамлакатни юзага чиқариш, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаш, булар шунчаки ишлар эмас. Унинг тагида қанчалар машаққатли, оғир меҳнатлар, Юртбошимиз тутган қатъий позиция ётганини ҳамма ўз вақтида англаб етиш лозим.

2-бет

## ☑ Истиқлол имкониятлари

# ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ МИҚЁСИДА ЙЎЛСОЗЛИК ВА КЎПРИКСОЗЛИК СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БЕҚИЁС БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҲАҚИДА

Бу дунёда ҳаммамиз ҳам йўловчимиз. Ҳамма вақт қаергадир шошамиз, манзилимизга тезроқ етиб олишни истаймиз. Шунда кенг ва чароғон йўллардан, равон кўчалардан ўтаётиб, кўнглимиз яшнайди, беихтиёр ана шу йўлларни қурган инсонларга раҳматлар айтгимиз келади. Ҳаммамиз ҳам йўл юриб, қайсидир кўприкдан ўтишимизга тўғри келади. Бу кўприк манзилимизни янада яқинроқ қилади...

Аммо бу равон йўллар, ана шу маҳобатли кўприкларни кимлар қандай меҳнатлар, қандай машаққатлар ва биз тасаввур ҳам қилолмайдиган даражадаги нечоғли катта маблағлар эвазига яратилаётганини ҳамиша ҳам эслаймизми? Йўл ва кўприк қурган киши кўп савобга қолади, уни бузган одам энг катта гуноҳкор бўлади, дейишади кексалар. Бу гаплар бир ҳикмат аслида. Чунки йўл — муқаддас. У бошқа иншоотлардан фарқли равишда авлодларга, яхши-ёмонга, шоҳу гадо учун ҳам бирдек хизмат қилади.

Инсоният пайдо бўлибдики, йўл қуради, кўприклар бунёд этади. Тарихдан маълум, Ғарб билан Шарқни чамбарчас боғловчи Буюк ипак йўли юртимиздан ўтган. Қадимий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Буюк ипак йўли барпо бўлгунича ҳам ўлкамизда дунёнинг турли мамлакатлари билан савдо алоқалари ўрнатилган эди.

Демак, юртимиз қадим-қадимдан ривож топган, обод ўлкалардан бўлган. Аммо... тарихнинг минг бир хил синовларини бошидан кечириб, не-не жаҳонгирларнинг босқинидан, талон-торожликлару, вайронагарчиликлардан асрлар давомида заҳмат, азият чеккан Ватанимиз ўз Мустақиллигини қўлга киритгачгина, дунёга бўй кўрсатди, жаҳонда тенглар ичра тенг Ўзбекистонга айланди!

Халқимиз яқинда энг азиз, энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини кенг нишонлади. Шу йилнинг 30 август куни Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида истиқлол йилларида «Республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган муҳим вазифаларнинг маъно-моҳияти»ни тўлиқ, атрофлича очиб бердилар.



4-бет

## ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

**Хоразм вилоятида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида умумтаълим масканлари биноларини ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда.**

Шу йилнинг ўтган даврида 26 умумтаълим мактаби мукаммал реконструкциядан, 39 таси қайта таъмирдан чиқарилиб, янги қиёфа касб этди.

Хонқа туманида қад ростлаган кўркам мактаб 315 ўқувчини ўз бағрига олди.

— Ҳозирга қадар 94 мактаб янги мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ҳамда спорт анжомлари билан таъминланди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Азимбой Мадраҳимов. — Бу йил олий ўқув юртларини тамомлаган 455 нафар ёш ўқитувчи мактабларимизда иш бошлади. Илк бор мактабга қадам қўйган 28 минг 220 нафар жажжи ўғил-қизга ўн икки турдаги ўқув жиҳозлари ҳамда дарсликлар туҳфа этилди.

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КОРХОНА

**Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўз самарасини бермоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлаётир.**

Кичик бизнес иқтисодиётнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғини ҳам қамраб олмоқда. Ҳозир Поп туманида сифатли ғишт ишлаб чиқариш бўйича бешта кичик хусусий корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ана шундай корхоналардан яна бири Уйғур қишлоғида ишга туширилди. «Жуманбой-Исабек» кўп тармоқли фирмаси Украинада ишлаб чиқарилган замонавий ускунада бир соатда 10 минг донагача ғишт тайёрламоқда.

Янги корхонанинг ишга туширилиши туфайли 25 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди.

**Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, И.РАЗЗОҚОВ, ЎзА мухбирлари.**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

# Ўзбекистон мамлакатни фаол ислоҳ этиш ва модернизациялаш йўлида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Академикнинг таъкидлашича, «...Ўзбекистоннинг барча муваффақиятлари Президентнинг хизмати ҳисобланади: Ислом Каримов масъулиятли ва чуқур мушоҳадали сиёсатчидир, у ўзбек жамияти олдида турган жорий ва истиқболдаги вазифаларни теран идрок этади».

**Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар институтининг бош илмий ходими Гульнур Рахматуллина** таъкидлаганидек, «дарҳақиқат Ўзбекистон мустақил ривожланиш йиллари давомида катта йўлни босиб ўтди ва жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистон эришган иқтисодий тараққиёт даражасига қарамай, шубҳасиз, ҳали мамлакатнинг улкан салоҳияти ҳаётга тўла татбиқ этилгани йўқ. Президент Ислом Каримов мамлакат ҳукумати олдига барқарор ва жўшқин иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларни янада изчиллик билан рўёбга чиқариш, ўзбек халқи турмуш даражасини ошириш, демократик ислоҳотларни фаол олиб бориш ва фуқаролик жамиятини қуриш бўйича аниқ вазифаларни қўйди».

Хорижий мамлакатларнинг қатор оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистон давлати раҳбарининг мазкур маърузасини, мустақиллик йиллари мобайнида республикада эришилган ютуқларни кенг шарҳламоқда.

**Россиянинг «Интерфакс», РИА «Новости», «Регнум» ахборот агентликлари** ўз хабарларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси мазмунини кенг ёритмоқда. Жумладан, «Интерфакс» агентлиги Ўзбекистон давлатининг ҳозирги ривожланиш босқичини Президент Ислом Каримов мамлакатни фаол ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври, деб баҳолаганини қайд этади: «Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари – бу сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини ҳар томонлама янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдир».

**Британиянинг «Би-би-си мониторинг» хизмати** Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақилликнинг 16 йилида ўз иқтисодиётини қайтадан ташкил этиш, армиянинг мудофаа қобилиятини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, буғдой ва нефть-газ мустақиллигини таъминлашга эришди, деган сўзларини келтиради.

«Демократияни ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳукумат сиёсатининг диққат марказида бўлди», деб ёзади **Саудия Арабистонида чоп этиладиган «Араб ньюс» газетаси.** Ўзбекистонда демократиянинг миллий моделини қуриш ҳар қандай давлатда тарих, дин, урф-одат ва анъаналар, одамларнинг менталитети ва психологиясини ҳисобга олган ҳолда бўлиши керак, деган фикрдан келиб чиқади. Демократик ўзгаришлар борасида сўнгги 16 йилда ўзбек халқи тўғри танланган фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан ишончли одимлади. Бу мамлакатда амалга оширилган барча ислоҳотларнинг асоси бўлди».

**«Доу Жонс Жермани» ахборот агентлиги (ГФР) Германиянинг Марказий ва Шарқий Европа экспертлари бирлашмаси берган баҳога асосланган ҳолда тарқатган хабарида қуйидагича ёзади:**

«Ўзбекистон мустақилликнинг 16 йили давомида бозор иқтисодиёти йўлида салмоқли қадамларни ташлади: миллий валютанинг тўлиқ конвертацияси амалга оширилди, барқарор юқори иқтисодий ўсишга эришилди (ялпи ички маҳсулот ўсишининг йиллик миқдори 7 фоиз), мувозанатлашган бюджет, 2 миллиард долларлик ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо ва инфляциянинг паст кўрсаткичи (йиллик даражаси 7 фоиз). Бу омилларнинг барчаси мамлакат макроиқтисодий барқарорлигидан далолат беради».

**Жамшид МУТАЛОВ**
***«Жаҳон» АА***

# МАҚСАД — МУДДАОМИЗГА ЭРИШИШ

## УЧУН ҲАР БИР ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ ФАОЛЛИГИ, ТАШАББУСКОРЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Юртбошимиз маърузасида билдирилган ғоялар моҳиятини халқимизга чуқур тушунтириш биз фаоллар, зиёлилар олдида турган муҳим вазифамиздир.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида яна бир бор ёшларни турли таъсирлардан асраш масаласини ҳам ўртага ташлади. Ёшларни ҳақиқий юрт фарзандлари қилиб тарбиялашда Ўзбекистон ХДП фаолларининг алоҳида ўрни бўлиши лозим. Миллий манфаатларимизга ёт хатти-ҳаракатларга қарши муросасиз кураш олиб бормасак, кутилмаган муаммоларга дуч келишимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

**Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири:**

— Мамлакатимизда рўй бераётган тарихий воқеалар, курашлар, ўзгаришлар кўлами билан бугунги партиямиз матбуоти фаолиятини қиёслаб кўрадиган бўлсак, кўп масалаларда оқсаб қолаётганимизни сезамиз. Бунёдкор, қаҳрамон халқимиз олдида катта қарздорлигимизни ҳис этамиз.

Ўтган 16 йил давомида бошимиздан ўтган синовлар, эришилган ютуқлар чуқур таҳлил этилган мақолалар аҳён-аҳёнда кўриниб турибди. Одамлар юрагига «жиз» этиб тегадиган, кишини ҳаяжонга соладиган, ўйлашга, хулосалар чиқаришга даъват этадиган таҳлилий мақолаларгина жамиятга фойдаси тегиши мумкин.

Яна бир катта камчилигимиз — бу ён-атрофимиз ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга фаол муносабат билдирмаётганимизда деб ўйлайман. Журналистларимиздан тортиб партиямиз лидерлари, депутатларимизгача бу масалада сусткашликка йўл қўяяпмиз.

Мамлакатимиз Президенти маърузаси ҳаётни қандай зийраклик билан кузатиш, таҳлил этиш, хулосалар чиқариш бўйича биз учун муҳим сабоқ бўлди. Маърузада илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, ўз вазифаларимизни аниқ-равшан белгилаб олмоғимиз зарур.

**Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Аёлларнинг бугун жамиятда тутган ўрни бундан ўн олти йил аввалгисидан мутлақо фарқ қилади. Ўтказилган мониторинг натижалари ва кузатув, таҳлилларга қарайдиган бўлсак, хотин-қизларнинг нафақат оила, жамият, ишлаб чиқариш соҳаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятидаги ўрни мустаҳкамланаяпти, ҳуқуқлари таъминланаяпти, балки бизга қонун билан бир қанча имтиёзлар ҳам берилаяпти. Буни хорижлик кўпгина тадқиқотчилар, халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этаяпти. Шунинг билан бирга, шиддат билан ривожланиб бораётган замон хотин-қизлар билан боғлиқ қатор масалаларни ҳам олдимизга қўяяпти. Шунинг учун ҳам Президентимиз маърузасида хотин-қизлар масаласига яна бир бор алоҳида эътибор қаратилди. Партиямизнинг «Фаол аёллар» қаноти бу борада кўпроқ ташаббуслар билан чиқиши зарур, деб ҳисоблайман.

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб олдик. Бунда хотин-қизларнинг ўз ўрни ва роли бор. Шунинг учун «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш орқали оиланинг ва жамият барча аъзоларининг демократик жараёнларда онгли, масъулият билан иштирок этишини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Бунда уларнинг билимлари, дунёқарашини бойитиш, тафаккурини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

**Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси:**

— Қисқа даврда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Ўз сиёсий мафкурамизни ишлаб чиқдик. Сиёсий кучларнинг жамият ҳаётига реал таъсирини таъминлашга хизмат қиладиган ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Аммо сиёсий курашлар ва фикрлар хилма-хиллигининг тўқнашуви фаоллашиб кетмаяпти. Жараён шундай авж олиши кераки, ҳар куни мафкура қозонида қайнашимиз, бошқа сиёсий кучлар ғояларидан ўз мафкурамиз афзалликларини намоён этишимиз зарур. Шундагина янги аср, бугунги замон олдимизга қўяётган талабларга жавоб бера оламиз.

**Фахриддин РАЖАБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Ҳаммамиз яхши биламизки, Мустақилликка эришган вақтимизда мамлакатимизда аҳвол жуда оғир ва вазият кескин эди. Олдимиздаги энг асосий масала аввало, тўғри йўлни танлаб олиш бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мана бугун Президентимиз бошчилигида танлаган ўз йўлимиз энг тўғри йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Хўш, мамлакат бугун шу даражага эришиши учун мен нима қилдим, бундан кейин қандай ҳаракат қиламан? Бу саволни ҳар биримиз ўз-ўзимизга берсак тўғри бўлади. Шунинг билан бирга, ёш авлод онгига ана шу ғояни чуқурроқ сингдириш, уларда бўлаётган янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифасидир.

**Зариббой ҚЎЧҚОРОВ, Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раиси:**

— Бир саволни ўртага ташламоқчиман. Бугун яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олаяпмизми? Очиғини айтадиган бўлсак, йўқ! Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида муҳокама қилинаётган масалаларни тайёрлаш ва партиямиз электорати манфаатларига, фуқаролар турмуш даражасини кўтаришга қаратилган қарорлар қабул қилишда фаоллик кўрсатмаяпмиз. Сайловчилар ҳамда электоратимиз вакиллари қўяётган масалаларни вилоят, туман, шаҳар даражасида ҳал қилишга интилишимиз ҳам суст.

Барча механизмлар самара бериб ишласагина адолатли, одил ва кучли фуқаролик жамияти шаклланади. Бунда эса биз депутатларнинг фаол иштирокимиз жуда муҳим.

**Фармон ТОШЕВ, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раиси:**

— Пойтахт, вилоят марказларида бўладиган тадбирлар жуда жонли ўтади. Муаммолар кўтарилади, савол-жавоблар қизғин кечади. Аммо, улар тор доирадаги иштирокчилар ўртасида қолиб кетаяпти. Натижада оддий одамлар кўпгина янгиликлардан хабарсиз. Агар шундай юқори савияли анжуманлар билан чекка-чекка қишлоқларгача кириб борсак, биринчидан ишларимизнинг самарадорлиги, иккинчидан фуқароларнинг фаоллиги ошишига хизмат қилади.

**Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди.**
**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.**



**☑ ЎзХДП шаҳар кенгашларида**

# ХУЛОСА ТЎҒРИ ЧИҚАРИЛСА

## ВА АНИҚ МАҚСАД САРИ АМАЛИЙ ИШЛАР ҚИЛИНСАГИНА СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ САМАРАЛИ БЎЛАДИ

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузаси барчамизни босиб ўтган йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, ютуқларимизни эътироф ва кенг тарғиб этиб, галдаги энг муҳим вазифаларимизни белгилаб олишга ундади. Юртбошимиз маърузасида сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, янгиланишлар, сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ долзарб фикрлар ҳам ўртага ташланди. Айни пайтда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ушбу маърузадан келиб чиқадиган ўз вазифаларини муҳокама этмоқда.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбати Президент маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга, партия аъзолари бурч ва масъулиятига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, шаҳар туманлари партия ташкилотлари раҳбарлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, партия ижтимоий ҳамкорлари бўлган жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Партиянинг вилоят кенгашлари раислари ва фаоллари меҳмон сифатида қатнашдилар.

Давра суҳбатининг асосий мавзуси юзасидан ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Учқун Шоимқулов маъруза қилди. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун жамиятимиз сиёсий ҳаётида катта аҳамиятга эга янги ҳуқуқий замин яратиб берганлигини алоҳида таъкидладилар. Ушбу Қонун сиёсий партиялар учун нафақат имкониятлар кенгайишига хизмат қилаяпти, балки партияларнинг сиёсий масъулияти ошишини ҳам талаб этаяпти. Ана шу нуқтаи назардан Тошкент шаҳрида ижро органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш юзасидан ЎзХДП депутатлик гуруҳининг фаолиятига ҳам танқидий баҳо берилди. Касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмиталари, «Нуроний» жамғармасининг маҳаллий бўлимлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу масалада айрим партия бошланғич ташкилотлари фаолияти сустлик, ташаббуссизлик сабаблари таҳлил этилди.

Кадрлар масаласи ҳал қилинмас, ёшлар ва аёллар орасидан етакчилар захираси тайёрлаб борилмас экан, сиёсий партия фаолияти сусайиб бориши табиий. Бу борада ХДП Тошкент шаҳар кенгаши тажрибаси ўрганилди. Сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Хоразм, Навоий, Сирдарё вилоят кенгашлари раислари Раимберган Сабуров, Шерали Умаров, Алишер Тошматовлар мулоҳаза ва таклифларини ўртага ташладилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Гулчеҳра Охунова, Элмира Боситхонова, Учтепа, Сирғали, Собир Раҳимов, Юнусобод, Шайхонтоҳур туман партия кенгашлари раҳбарлари Маҳмуд Собиров, Миржалил Мирзааҳмедов, Камолиддин Акрамов, Нигора Эшметова, Рўзибек Тўраевлар қабул қилинган янги Конституциявий қонун ва Президент маърузасидан келиб чиқадиган долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр юритдилар. Сиёсий партиялар ҳақида билдирилган фикрлардан хулоса тўғри чиқарилса ва аниқ мақсад сари фаоллик билан ҳаракат қилинса фаолиятимиз самарали бўлиши таъкидланди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентни 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши мамлакатимиз тарихи ва маданий ҳаётидаги улкан воқеа бўлди. Шу муносабат билан Президентимизнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, уни кенг тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу борада қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.*

# ЁШЛАР ИШТИРОКИДА ДАВРА СУҲБАТИ

Куни кеча партия Собир Раҳимов туман кенгаши «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ана шу мавзуда давра суҳбати ташкил этди. Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчи-ўқувчилари, партия фаоллари иштирокида ўтган тадбир кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда ушбу мавзу юзасидан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар филиали илмий ходими Баҳодир Юнусов, Тошкент ислом университети диншунослик кафедраси доценти Неъматулла Муҳаммедов ва бошқалар сўзга чиқишди. Маърузачилар Президентимизнинг юқоридаги интервьюси мазмун-моҳияти, шунингдек, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг аҳамияти, ислом динининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди.

**Маъмуржон МАҲМУД.**

**☑ 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

# БОЛАЛАР КЎЗИДАГИ ҚУВОНЧ

## ДАВЛАТИМИЗ ҒАМХЎРЛИГИ, ЭЪТИБОРИ ТУФАЙЛИДИР

**Республика Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2007 йил 23 январдаги Қарорига асосан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, кам таъминланган оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасида белгиланган тадбирлар ҳаётда ўз амалий натижасини топяпти. Қарорда «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди ва бу хайрли ишлар юртимизда босқичма-босқич амалга ошириляпти.**

...Шўх куй-қўшиқ садолари остида рақсга тушаётган атлас кўйлакли қизалоқларнинг, қордек оппоқ кўйлак устидан капалакнусха галстук таққан болакайларнинг кўзлари чақнайди. Атрофда давра қуриб турган уларнинг тенгдошлари, ўсмир йигит-қизлар ҳам завқ билан қарсак чалиб, даврага кўтаринки кайфият бағишлайдилар.

Гап пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 101-кар ва соқов болалар махсус мактаб-интернатида бўлиб ўтган тадбир ҳақида кетяпти. Ушбу тадбирнинг эса сабаби бор — «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан интернатга автобус совға қилинди.




— Бу йил таълим масканимизда 38 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ёшларнинг ҳунар ўрганиши, амалиёт ўташи учун қатор қулайликлар яратилди, — дейди мактаб-интернат директори Шоиста Аҳмедова. — Бу ерда таълим олаётган 237 нафар ногирон болалар давлатимиз ғамхўрлиги, 76 нафар ўқитувчи-педагогларнинг меҳри билан камчилик сезмай ўқиб, таълим-тарбия олишиб, ҳунар ўрганяптилар, ҳаётда ўз ўрнини топяптилар.

— Ҳар бир ўқувчи билан унинг касаллик тарихидан келиб чиққан ҳолда, ногиронлиги туғма ёки ҳаёт давомида орттирилганига қараб ўқув-таълим ишларини олиб борамиз, — дейди шу масканда 33 йилдан бери мураббийлик қилиб келаётган Мавлуда Саримсоқова. — Албатта, ишимизнинг ўзига хос қийин томонлари ҳам бор. Кейинги пайтда ушбу соҳа учун кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилаётганлиги ва сафимиз ёш ўқитувчилар билан тўлаётгани жуда қувонарли ҳол, албатта.

Мавлуда опа яна бир нарса ҳақида фахрланиб гапирди. — У киши кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида мактаб битирувчиларининг неча-неча тўйини кўрибди. Кимникигадир шу мактаб битирувчисидан совчи борса, ёки шу ердан келин танлашса, албатта ўқитувчилардан сўраб-суриштиришаркан.



— Агар йигит ҳам, қиз ҳам шу мактаб битирувчиси бўлса, уларнинг фарзандларини набира ҳисоблаймиз, — дейди кулиб Мавлуда опа. — Биз берган билимлар, ўргатган ҳунарларимиз уларга катта ҳаётда асқотаётганини кўриб, бошимиз осмонга етади.

Ўқувчилар билан ҳам суҳбатлашгимиз келди.

— Энди биз турли танловларга бугун бизга совға қилинган автобусда борамиз, — дейди Нурали ҳушнуд ҳолда. У рақс тушишга қизиқар экан, ўртоқлари билан турли танловларда иштирок этар эканлар.

— Музейларга ҳам шу автобусда борамиз, — дейди Зилола.

Тўғри, улар билан гаплашишда бизга сурдо таржимон ёрдам берди. Аммо, тарбияланувчиларнинг юз-кўзидаги ҳаяжон, қувончни таржимонсиз ҳам тушуниш қийин эмас эди...

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратларда:*** *тадбирдан лавҳалар.*

# ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ МИҚЁСИДА ЙЎЛСОЗЛИК ВА КЎПРИКСОЗЛИК СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БЕҚИЁС БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҲАҚИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



Зеро, Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб оғир, мураккаб вазиятларни бошдан кечирдик. Лекин ўтган 16 йилда ҳеч муболағасиз асрларга тенг ишлар, яратувчанлик, бунёдкорлик юмушлари адо этилди. Булардан ҳам энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, Мустақиллик, Ҳур ва Озодлик ғояси дилимизга қайтганлиги, одамлардаги ўзгариш, Истиқлол ғояси, кишилардаги яратувчанлик, бунёдкорлик ҳиссининг кучайганлиги бўлди.

Чунки, 1991-1992 йилларни яхши эслаймиз. Ўшанда собиқ Иттифоқни қумсаб, ёш давлатимизда турли бошбошдоқликларни юзага келтиришни истовчи кучлар йўқ эмасди.

Президентимизнинг узоқни олдиндан кўра билишлари ва тўғри сиёсатлари туфайлигина бугунги кунларга етиб келдик. Бу — ҳақиқат. Ана шу боисдан бугун юртимиз обод бўлиб, ривожланиш, юксалиш сари юз тутмоқда.

Қуйида эса юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилган йўлсозлик ва кўприксозлик соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз.

Зеро, ЙЎЛ ВА КЎПРИКЛАР — бу авлодларни бир-бирига боғловчи, элнинг оғирини енгил қиладиган, узоғини яқин этадиган иншоотлардир. Уларсиз ҳаёт ҳам, эртанги кун ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди. Ўзбекистонимиз, Худога минг бора шукрки, ўзининг мустаҳкам, равон ва нурли йўлларини бунёд этаётир. Мустақиллик йилларида бизни дунёга олиб чиқадиган кўпдан-кўп автомобиль ҳамда темир йўллари қурилди. Дастлаб, мамлакатимизни Европа ва дунё бозорига олиб чиқувчи янги Трансосиё йўналиши — Тажен — Серахс — Машҳад темир йўлининг 1996 йилда ишга туширилиши хайрли бўлди. Чунки бевосита мамлакатимиз иштирокида бунёд этилган бу йўл Транссибирь магистралига нисбатан ҳам қулай, ҳам қарийб бир ярим минг километр яқиндир. Шу боис, давлатимизнинг халқаро даражадаги экспорт-импорт юклари ҳажмининг ошиб боришида ана шу йўлларнинг аҳамияти катта.

«Ўзбекистон денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмайди, бу эса ташқи иқтисодий фаолият имкониятларини чеклаб қўяди», — деган эди Юртбошимиз мустақиллигимизнинг илк кезларида...

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда 1995 йили халқимиз асрлар давомида орзу қилган улуғвор бир ишга қўл урилди. Қамчиқ довонидан ўтувчи янги ер ости ва ер усти йўл тармоғини бунёд этишга киришилди. Бу йўл барпо этилмасдан олдинги даврни, келинг узоқ эмас, бор-йўғи 1990 йилларни бир эслаб кўрайлик. Ахир, бутун водий аҳли айниқса, қиш фаслида Ватанимиз пойтахтига келиб-кетиши учун фақатгина поезд ёки самолётда қатнашига тўғри келарди. Шу боис, Қамчиқ довонидан ўтувчи бу магистрални қуриш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 80 километрлик масофада жами 19 миллион кубга яқин тупроқ ишлари бажарилиб, 300га яқин турли сунъий иншоотлар яратилди.

Бу қаҳрамонона ишни асосан, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги автомобиль йўллари бирлашмалари йўлсозлари адо этишди. Тоғни кесиб йўл очиш, яна жаҳон андазаларига жавоб берадиган даражадаги магистрал йўллар яратиш... бу айтишга осон.

Қамчиқ довонида бунёд этилган бу мўъжизавий йўлда барпо этилган туннел — ер ости йўлларининг ҳар бирида, бир вақтнинг ўзида бир йўналиш бўйича авто уловлар уч сафга тизилиб юриши мумкин. Авваллари довондан ўтиш учун қарийб 4-5 соат сарфланган бўлса, ҳозир бу ҳудуддан бир соат ичида ўтиш мумкин.

Бу улуғвор қурилишни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмаган. Қарийб 4-5 йил давомидаги узлуксиз меҳнат Қамчиқ ва Резак довонларида ер ости йўлларини бунёд этишда, янги йўл қурилишида қарийб беш минг кишилик қурувчилар жамоаси меҳнат қилди. Улар 27 миллиард сўмлик иш бажаришди.

Замонавий автомагистрал барпо этилиши муносабати билан, Президент Ислом Каримов 2000 йил Қамчиқ ва Резак довонларидаги ер ости йўллари очилишига бағишланган тантанада иштирок этиб, бундай равон йўллар мамлакатимиз тараққиёти учун беқиёс стратегик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқтириб ўтган эди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ана шу йўл қурилгани боис, кўзни қувонтирадиган инфратузилмалар юзага келди ва бу йўллар Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини сифатида, бизни дунё билан боғлашда жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Чиндан мамлакатимиз мустақиллиги — халқ фаровонлигининг асосий белгиларидан бўлган равон автомагистраллар, йўллар ва серфайз кўчалар қурилиши, ободонлаштирилиши учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Айниқса, мустақилликнинг ўтган йилларини республикамиз йўл хўжалиги тарихида соҳадаги ислоҳотлар, йўл ишларининг ҳажми ва сифатининг ўзгариши — хуллас автомобиль йўлларининг бундан кейинги ривожланиши ва такомиллашуви учун таянч бурилиш йўллари бўлди, деб айтиш мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан биргина ўтган 2006 йилда кетма-кет автомобиль йўлларига алоқадор бўлган бешта муҳим ҳужжатлар:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги «Йўл қурилиш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни янада кучайтириш чоралари ва автомобиль йўллари қурилишининг 2006 йилги дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги;

— 25 октябрдаги «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги;

— 14 ноябрдаги «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги;

— 20 декабрдаги «Умумий фойдаланишдаги автомбиль йўлларини 2007-2010 йилларда ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларнинг кетма-кет қабул қилиниши давлатимиз ва ҳукуматимизнинг бу соҳага кўрсатаётган катта эътиборидан далолатдир.

«Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра Республикамизда ўтган 16 йил давомида Ўзбекистон халқининг бойлиги ва мамлакатимизнинг «қон томирлари» бўлган 42530 километр умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари, жумладан, 3626 км. халқаро, 16902 км. давлат, 21925 км. маҳаллий аҳамиятдаги йўллар техник соз ҳолатда ривожлантирилмоқда, такомиллаштириляпти ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз қатнови таъминланиб келинмоқда.

Ўтган даврда 1990 йилга нисбатан цементбетон қопламали йўллар узунлиги 21 километрга, асфальт-бетон қопламали йўллар 1553 километрга, қора қопламали йўллар 353 километрга, тош шағал қопламали йўллар 421 километрга ўсиб, умумфойдаланувдаги автомобиль йўллардан тупроқли ва шағалли қопламалар миқдори 746 километрга камайган. Ана шу асосда йўлларнинг қуйи техник тоифадан юқори техник тоифага ўтказилишига эришилди, пировард натижада автомобиль йўлларининг транспорт оқимига хизмат кўрсатиш даражаси 1991 йилги ҳолатга нисбатан бир неча баробарга ўсди. Айниқса, халқаро транспорт йўлагига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлашда янги миқдор ва сифат ўзгаришларига эришилди.

Мамлакатимизда ҳар йил ўрта ҳисобда 200-250 километр ҳажмида янги автомагистраллари қурилмоқда ёки реконструкция қилинмоқда, 2000-2500 километр йўл ўрта ва капитал таъмирдан чиқариляпти. Республика йўлларини ривожлантириш, такомиллаштириш ва сақлаш ишлари учун бир йилда ўртача 200 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарф қилинмоқда.

Жумладан, Истиқлол йилларида «Тошкент — Термиз» автомобиль йўлининг жами — 135 километри таъмирланди, 100 километрга яқин йўллар қайтадан қурилди.

— Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу халқаро автомобиль йўлининг Қўнғирот — Бейнеу оралиғидаги 348 километрлари янгидан қурилди, 1 босқич йўл ишлари якунланди ва транспорт қатнови йўлга қўйилди;

— «Нукус — Хўжайли» автомобиль йўлининг 7-километрида Амударё устида қурилган жами узунлиги 3,6 км. бўлган кўприк бунёд этилди.

— Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро шаҳарлари ва республиканинг бошқа йирик шаҳарларида янгидан 123 километр йўл ва кўчалар қурилиб, 420 километрдан ортиқ кўча ва йўллар замонавий талаблар асосида қайта бунёд этилди;

— Чирчиқ дарёси устида узунлиги 232 метрлик улкан кўприк бунёд этилди.

Бундай бунёдкорона ишлар битта-иккита эмас, юртимизда мустақиллик йилларида умумий фойдаланишдаги жами йўлларимиз қайта таъмирланди, 2756 километрдан зиёд янги йўллар барпо этилди.

Республикамиз бўйича, биргина 2006 йил давомида 2578 километр йўллар қайта таъмирдан чиқарилди.

Истиқболдаги тараққиётимиз тимсоли бўлмиш 2294 километр узунликда бўлган Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот ўзбек миллий автомагистрали, Тошкент — Гулистон йўналишидаги автойўл, Тошкент — Термиз йўналишидаги катта автомагистрал йўллари, қўйинки, Ватанимизнинг қайси бир гўшасига олиб борувчи йўлларга разм солманг, бари кенг ва равон йўлларга айланиб бормоқда.

Мамлакатимизни Европа билан боғловчи яна бир йўналиш — «Ғузор — Бухоро — Қўнғирот — Бейнеу» автомобиль йўлидир. Ушбу йўл қурилиши юртимизда 2003 йилнинг март ойида бошланган. Бу — Устюрт текислигида Буюк ипак йўлининг бир қисми ҳисобланган ва Қозоғистоннинг Каспий денгизи соҳилидаги Отрау бандаргоҳига туташадиган «Ғузор — Бухоро — Нукус — Қўнғирот — Бейнеу» автомобиль йўли ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йил 17-18 май кунлари Оролбўйига қилган сафарлари чоғида ана шу автомобиль йўли қурилишини янада жадаллаштириш ғоясини илгари сурди.

Ҳозирги кунда қарийб 35 миллиард сўмлик лойиҳа-смета қурилиши бўлган ушбу иншоотда қурилиш ва таъмирлаш ишлари ҳар қачонгидан ҳам қизиган. Қурилиш-таъмирлаш ишларида Қорақалпоғистон йўл қурилиши корхоналаридан ташқари, Фарғона, Тошкент ва Андижон йўл хўжалиги корхоналари ҳам жалб қилинди.

Ушбу автомагистралнинг тезроқ тўлиқ бунёд этилишига қўшни давлатларнинг ҳам қизиқиши катта. Чунки уларнинг ҳам мақсади — биз орқали Европага чиқиш. Қолаверса, мазкур тезюрар автомагистрал қурилиши Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Евроазия транспорт тизимига киришига «эшик» очади. Демак, Хитой, Қирғизистон, Қозоғистон, Европа транзит қатнови (Минск — Варшава — Берлин — Гамбург) келажакда давлатимизга катта миқдорда фойда келтиришига замин яратилади.

Бундай бунёдкорлик ишлари ҳақида гап борар экан, юртимиз остонаси бўлмиш Тошкент шаҳрида минг километрдан зиёд қурилган ва қайта таъмирланган йўлларни, ўнлаб кўприкларни олайлик. Айниқса, кўприклар... Уларнинг ҳар бирини ўзига хос санъат асари дейиш мумкин. Пойтахтимизга жанубдан кириб келишдаги, Отчопар бозори ҳудудидаги Гавҳар кўчаси билан Халқлар Дўстлиги Шоҳкўчасидаги кесишмада Хоразмий кўчаси билан боғловчи узунлиги 248 метр бўлган кўприк, ёки бўлмаса, Буюк ипак йўли, Чилонзор, Паркент ва Пушкин кўчаларида қурилган бундай иншоотларни дунёдаги айрим мана-ман деган шаҳарларда ҳам учратавермайсиз.

Тошкент Халқа автомобиль йўлининг янги йўналишдаги 61-67 километрлари икки жойда транспорт боғлами барча йўл иншоотлар мажмуи билан қурилиб, мазкур йўл халқа сифатида бирлаштирилди. Халқлар дўстлиги кўчаси билан Фарҳод кўчаси кесишмасидаги транспорт боғлами узунлиги 212 погон метр бўлган йўл ўтказгичи билан қурилиб фойдаланишга топширилди.

Йўл қурилишига мамлакатимизда давлат даражасидаги муҳим масала сифатида қаралмоқда. Шунинг учун ҳам жорий йилда биринчи марта 200 километрдан ортиқ автомобиль йўли инвестиция маблағлари йўналтирилган ҳолда қайта қурилмоқда. Қайта қуриш ишлари асосан халқаро транспорт йўлагига киритилган 4450 километрлик магистрал йўлларда амалга оширилмоқда. Ўтган олти ойда йўл ишларига 117 млрд. сўм сарфланди. Республика йўл жамғармасининг буюртмаси бўйича фақат халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини қайта қуриш, тўлиқ ва ўрта таъмирлаш давлат дастури асосида жами 65 млрд. сўмлик, жумладан 32 млрд. сўмлик қайта қуриш, 19.8 млрд. сўмлик тўлиқ ва 13.7 млрд. сўмлик ўрта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ёки жами умумий фойдаланишда бўлган 250 та объектда 170 млрд. сўмлик йўл қурилиш таъмирлаш ишларига шартнома тузилиб, иш олиб борилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз йўлсозлари мустақиллигимизнинг 16 йиллигига туҳфа сифатида «Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз» автомобиль йўлининг 1005-1013 километрларининг оғир тоғ шароитидаги ўнлаб бурилиш ҳамда тик нишабликлар ўрнига тоғлар орасидан тўғри кесиб чиқиладиган 8 километрлик йўл бўлагини, «Ғузор — Чим — Кўкдала» автомобиль йўлидан 15 километрлик йўл бўлагини фойдаланишга топширдилар. Шунингдек, мазкур йўлнинг жами — 42 километри, «Самарқанд Ашхобод — Туркман-боши» автомобиль йўлининг жами — 20 километри, А-380 автомагистралининг жами — 46 километри ва бошқа муҳим йўлаклар бўйича жами 214 километр йўл қурилиш ишлари, 317 километрда тўлиқ таъмирлаш 1135 км.да ўрта таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Урганч, Марғилон шаҳарларида ҳам йўлсозларимиз томонидан катта ҳажмдаги йўл қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

— Республикамизда 2007 йилнинг ўтган олти ойи давомида 100 млрд. сўмликдан ортиқ йўл ишлари, 20 млрд. сўмлик йўлларни сақлаш, шунингдек, ташқи буюртмачиларга пудрат асосида 6,7 млрд. сўмлик ишлар бажарилди. Шу билан бирга ёрдамчи саноат ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган йўл қурилиш маҳсулотлари, жумладан асфальтбетон ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 50%га ошди, — дейди «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси автомобиль йўлларини сақлаш бўйича бош диспетчери Воҳид Аъзамов.

...Йўллар ҳақида гап борар экан, мамлакатимизда бунёд этилаётган темир йўллар ҳақида ҳам тўхталмасдан бўлмайди.

Сўнгги йилларда барпо этилган, умумий узунлиги 633 километрни ташкил этувчи Навоий — Нукус, яқинда қурилиши якунланган, «Аср қурилиши» деб ном олган 223 километрлик «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл магистраллари, 43та кўприк ва йўл ўтказгичлари, халқаро талаблар асосида такомиллаштирилаётган замонавий автомагистралларни айтмасдан бўлмайди. Бу қурилишларнинг аҳамияти шу қадар каттаки, бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган табиий бойликларни ўзлаштириш имконини яратади. Ўз-ўзидан равшанки, шу билан бирга минг-минглаб одамлар иш жойига эга бўладилар, иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлмиш қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, умуман транспорт-коммуникация тармоғида ўсиш, ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этилишига бош омил яратилмоқда.

Қолаверса, мамлакатимизда Истиқлол йилларида, яъни ўтган 16 йил давомида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг барчасини санаб адоғига етиб бўлмайди. Ўн олти йилда юртимизда қанчадан-қанча маданий-маърифий иншоотлар, мактаб ва коллежлар, саноат корхоналари, юзлаб қўшма корхоналар, ўнлаб олий ўқув даргоҳлари, минг-минг километрлаб автомобиль йўллари, юзга яқин автомобиль ва темир йўл, юзлаб кўприклар бунёд этилди. Буларнинг барига қанчадан-қанча маблағлар сарф бўлди. Истиқлолимизнинг 16 йили — яратилиш, бунёдкорлик йиллари бўлди, — десак асло янглишмаймиз. Бу бунёдкорликлар замирида — ёрқин келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори яратилганини барчамиз чуқур англаб олмоғимиз зарур.

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг бугунги йўллари — ёрқин ва нурли. 2007 йилга келиб мамлакатимиз йўл қурилиши соҳасида 35 мингга яқин ишчи ва мутахассислар, муҳандислар хизмат қилмоқда. Уларнинг меҳнати туфайли амалга ошаётган бу эзгу ишлар юртимиз ҳаётидаги улуғвор ўзгаришларнинг бир бўлаги холос...

Бу бунёдкорона қурилишлар ҳосиласи шундаки, республикамиз янада обод, халқимизнинг узоғи яқин бўлиб, фаровонлиги ошади, дунёга Ўзбекистонимизнинг мустақил йўллари орқали чиқишимиз учун мустаҳкам замин — ана шу иқтисодиётимиз қон томирлари — ойдин йўлларимиз бўлади.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ**

# XORIJDA

## МУТАХАССИС МУҲОЖИРЛАР
### МАХСУС КАРТОЧКА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

*Европа Иттифоқи Осиё ва Африкадан малакали мутахассисларни Европага жалб этиш учун худди Американинг «Green Card» тадбири сингари «Blue Card» тадбирини қўллашни мўлжаллаб турибди.*



*Бу ҳақда Европа Иттифоқининг адлия масалалари бўйича комиссари Франко Фраттини баёнот берди, дейилади «Der Spiegel» нашрида чоп этилган хабарда.*

*Унинг айтишича, ЕИ четдан келаётган муҳожирлардан чўчимаслиги керак, аксинча, улардан мутахассислигига қараб унумли фойдаланиши лозим.*

*Маълумки, ЕИ бугунги кунда ривожланган давлатлар билан рақобатда яшамоқда. Бу эса малакали мутахассисларга эҳтиёжни тинимсиз ўстиради. ЕИнинг Италия, Германия ва Венгрия сингари мамлакатларида эса аҳолининг кексайиши оқибатида ишчи кучларининг етишмовчилиги сезилиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бу давлатларга четдан муҳожирлар оқимининг кучайиши кузатилмоқда. Аммо бу «оқим»нинг 85 фоизи малака ва мутахассислиги йўқ ишчи кучидан иборатдир. Шунинг учун ҳам эндиликда мутахассислиги бор муҳожирлар ЕИга махсус карточка билан киритилиши йўлга қўйилади.*

*«Blue Card» тадбири доирасида малакали мутахассислар четдан ЕИга 2 йил муддатга таклиф этилади. Шундан сўнг уларнинг муддати 5 йилга узайтирилади. Кейин эса улар ЕИда доимий яшаш ҳуқуқини қўлга киритадилар.*

*Франко Фраттинининг тахминларига кўра, яқин 20 йил ичида ЕИга 20 миллион хорижий мутахассис керак бўлади.*

## ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ
### ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ



*Япония бош вазири Синдзо Абэ кўпчилик хорижий кузатувчиларни ҳайратда қолдириб, истеъфога чиқди. Токиода ўтказилган шошилинч матбуот анжуманида бош вазирнинг ўзи бу ҳақда баёнот берди. Ваҳоланки, шу йил июлда бўлиб ўтган парламент сайловларида унинг партияси мағлубиятга учраган бўлишига қарамай, у лавозимдан кетмаслигини бир неча бор айтган эди. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасидаги ички тортишувлар уни чарчатди.*

*«Новые известия»да берилган хабарда ёзилишича, бош вазир истеъфога чиққан бўлишига қарамай, яқин орада янги сайловлар ўтказилмайди, балки Буюк Британияда амалга оширилган амалиёт бу ерда ҳам қўлланилади, яъни Либерал демократик партия янги етакчини сайлайди. Ва ҳозирданоқ янги номзоднинг номи очиқ-ойдин айтилмоқда. У партиянинг бош котиби, Синдзо Абэнинг сафдоши ва фикрдоши, мамлакатнинг ҳозирги ташқи ишлар вазири Таро Асодир.*

*Қисқаси, янги бош вазирни сайлаш куни шу йилнинг 19 сентябрига белгиланди.*

## БИР КЕЧА-КУНДУЗДА
### ҚИРҚ БИР МАРТА...



*Индонезия Метеорология ва геофизика миллий бошқармаси берган маълумотларга асосланиб, «Новости» ААнинг хабар қилишича, мамлакатда бир кеча-кундузда 41 марта (Рихтер шкаласи бўйича 4,5 магнитудага тенг) ер силкиниши юз берди.*

*Маълумки, бу ерда 4 кундан бери зилзила қайталанмоқда. Сешанба куни 4,5 ва 4,9 балл кучланишли ер ости силкиниши қайд этилган бўлса, Чоршанба куни зилзиланинг кучи 8,4 баллга етди. Натижада 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 киши эса турли даражада тан-жароҳати олди. Зилзила эпицентрига яқин Суматра ороли ғарбидаги Паданг шаҳрида бир нечта кўп қаватли уйлар вайронага айланди, ёнғин авжга миниб, аҳолини саросимага солиб қўйди, электр тармоғида узилишлар юз берди.*

*БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини мувофиқлаштирувчи бошқармаси ходимларидан иборат гуруҳ вазиятни ўрганиш ва кўрилган зарарни баҳолаш учун талафот ҳудудига жўнашга ҳозирлик кўрмоқда. Бу ҳақда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун баёнот берди.*

*Маълумки, Индонезия Тинч океани ва Евро-Осиё сейсмик ҳудудлари кесишган нуқтада жойлашган. Бу эса айнан шу ҳудудда кўплаб зилзилалар содир бўлишининг бош омилидир. Масалан, Суматра оролидаги Бенгкулу музофотида ўтган йили қайд этилган зилзилалар сони рекорд даражага етди. Яъни ўтган йилнинг биринчи беш ойи давомида магнитудаси 4,6 кучланишдан юқори бўлган 694 та зилзила юз берган. Умуман, Индонезияда 4 магнитудали зилзилалар йилига 6-7 минг марта содир бўлиб туради. Сабаб: юқорида айтилганидек, бу ерда энг фаол тектоник плиталар жойлашган. Бу плиталар йилига 7 сантиметр тезликда силжийди.*

*2004 йили юз берган 9,3 балл ер ости силкиниши кейинги 40 йилда юз берган энг фожиали талафот сифатида қайд этилган. Ўшанда кучли зилзила оқибатида Ҳинд океанида кучли цунами қутурган ва қирғоққа ёпирилган, натижада 300 мингга яқин киши ҳаётдан кўз юмган эди.*

## АТРОФ-МУҲИТИ ИФЛОСЛАНГАН
### ШАҲАРЛАР РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



*Ҳар йили Нью-Йоркнинг Блэксмит институти томонидан атроф-муҳити энг ифлосланган дунёнинг ўнта шаҳри рўйхати эълон қилинади. Бу йилги рўйхат яқинда жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Улар: Россиянинг Дзержинск ва Норильск шаҳарлари, Украинанинг Чернобил ва Озарбойжоннинг Сумгаит саноат марказлари, Хитойнинг Линфен ва Тианжин, Ҳиндистоннинг Сукинда ва Вапи, Перунинг Ла Оройя, Замбиянинг Кабве шаҳарларидир. Бу аҳоли масканларида кимёвий корхоналар, заводлар кўплаб жойлашганки, улар ўз навбатида атроф-муҳитни ўта ифлослантириб бормоқда.*

*Масалан, Дзержинск Нижегород вилоятининг йирик кимё саноати маркази ҳисобланади. Экологларнинг маълумотларида қайд этилишича, 1930 йилдан 1998 йилгача бу ерга 300 минг тоннадан ортиқ кимёвий чиқиндилар кўмилган. Шундан 190 тоннаси сизот сувларига аралашиб кетган. Натижада бу ердаги сувларда диоксин ва фенол аралашмалари юқори даражада қайд этилган. Шаҳар экологияси ўта ифлосланганлиги боис ҳатто «Гиннеснинг рекордлар китоби»га номи тиркалди. Норильскда эса «Норильск никель» компаниясининг асосий заводлари жойлашган. Аҳолиси 250 мингдан ортиқ Чернобил ва Сумгаит шаҳарларида ҳам кўплаб кимёвий корхоналар, қувур ишлаб чиқариш ва алюминий заводлари бор.*



**Брюссел шаҳри кўринишидан лавҳа**

Таҳририятимиз меҳмони

# САНЪАТ ЙЎЛИ — ҲАЁТ ЙЎЛИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ЭРКИН КОМИЛОВ БИЛАН СУҲБАТ



**— Эркин ака, яқиндагина мустақиллигимизнинг 16 йиллигини кенг нишонладик. Сизнингча, истиқлолимиз халқимизга нималар берди, ижод аҳлига-чи?**

*— Мустақиллик Ўзбекистон халқига, шу жумладан биз ижод аҳлига ҳам аввало Озодлик нашидасини берди. Фикрлаш эркинлиги, эътиқод ҳурлиги қайтди. Бугунги кунда мамлакатимизда ижодкорлар учун яратиб берилаётган имкониятларнинг ҳаммасини санаб, сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бир мисол. Мана мен ҳозир Миллий театрнинг Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳоновга тегишли бўлган хонасида ишлайман, ижод қиламан. Бу санъаткор менинг энг севган устозларимдан бири эди. Ҳалигача эсимда, Шукур ака бир умр улуғ бобомиз Амир Темур образини яратиш орзуси билан яшади. Шу орзу билан ўтди. Лекин мустабид тузум Шукур Бурҳоновдек буюк артистга-да йўл бермади.*

*Бугун минг шукрлар бўлсинки, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий асарлари яна саҳна юзини кўраяпти. Халқимиз севган, ардоқлаган буюк сиймоларимизнинг образлари яратилаяпти. Қолаверса, айнан мустақиллик туфайли театримизга миллийлик мақоми берилди. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг биз ижод аҳлига берган улкан инояти деб биламан.*

**— Ҳар доим театр учун янги асар топиш муаммо бўлиб келган. Ҳозир миллий театримизнинг драматурглар билан алоқаси қандай?**

*— Бугун драматургияни айтарли даражада яхши деб бўлмайди. У ҳаддан ташқари оқсоқ. Тўғри, ҳозир театримизда Усмон Азимнинг яхши асарлари қўйиляпти. У киши нафақат шоир сифатида, балки драматург сифатида ҳам яхши шаклланиб бўлди. Шароф Бошбеков, Хайитмат Расул, Эркин Хушвақтов асарлари ҳам ёмон эмас. Лекин минг афсус билан айтиш керак, бугунги қўйилаётган кўплаб асарларимиз миллий театримиз қолипига мос келмайди. Биз халқнинг орқасидан эргашишимиз эмас, балки одамларни ўзимизга эргаштиришимиз керак. Масалан, бир пайтлар Алпомиш қўйилиб, саҳнада тоғни гурзи билан уриб иккига бўлиб юборганда одамлар жуда ҳайратда қолган. Ҳозир томошабин шу саҳнани кўрса, қотиб-қотиб кулади. Демак биз халқнинг бугунги нафаси билан яшашимиз ва ундан бир қадам олдинда юришимиз керак, деб ўйлайман. Томошабин қабул қиларкан деб ҳар хил асарларни қўяверишнинг керак эмас. Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, маънавиятни кўтарадиган спектаклларни олиб чиқишимиз керак. Биз халқ онгининг инжинеримиз. Уларнинг қалбига етиб борадиган, руҳиятига таъсир қиладиган асарлар устида ишлашимиз керак. Менимча, Шекспир, Гёте, Шиллер асарлари ҳам бугунги кунга мослаб қўйилиши керак. Бўлмаса, бундай асарлардан фойда йўқ.*

*Ҳозир битта рўмолча учун хотинини бўғиб ўлдирадиган эркакнинг ўзи қолмаяпти. Замон бошқача. Демак, бошқачароқ ишлашимиз, мухлисни чалғитмай, уни эстетик жиҳатдан савиясини оширадиган асарлар устида ишлашимиз керак.*

**— Бугунги театр ва кинодаги ёш актёрлар ҳақида қандай фикрдасиз?**

*— Гап келганда отангни аяма, деган мақол бор. Ҳар бир одам ўз ишини қилсин. Ашулачи ашуласини айтсин, кетмончи даласини чопсин. Нима қилади актёрликка аралашиб?*

*Бўладиган актёр бошидан маълум. Бироқ ҳозирги ёшларга бироз эътирозим бор. Телевидениеда ёки битта спектакль ё кинода роль ўйнайдида, шу билан «юлдуз» бўлади қолади. Бу гап кўпроқ қизларга тегишли. Мана, масалан, «Ўтган замон ҳангомалари»ни қўйдик. Репетиция бўлди. Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Теша Мўминов, Абдураим Абдуваҳобов келиб ўтирибди. Шахсан мен Ғазалкентдан етиб келдим. Лекин бирорта ёш актёр репетицияга келмади, бунинг учун ҳатто узр ҳам сўрашгани йўқ...*

*Менинг бахтим шундаки, узоқ йиллар шу театрда ишладим, жуда кўп устозларнинг маҳоратларига гувоҳ бўлдим. Улар бетакрор, ҳар бири бир академикдай салоҳиятга эга устозлар эди. Мен ҳам мана шу саҳна туфайли эл-юртга танилдим, Эркин Комилов деган номга сазовор бўлдим. Буларнинг ҳаммаси менга театр берган неъматлар... Бугун шуларни ўйларканман, кимки санъатга чин ихлос билан қадам қўйса, хизмат қилса, албатта, ниятлари ижобат бўлишига имон келтираман.*

*Академик театрнинг ўз йўли, мактаби бор. Бу ерда классик асарлар сақланиб қолиши керак. Бу театр қонуни. Ўзбек классикаси, хориж классикаси доим бўлиши шарт. Чунки бундай асарларнинг мухлислари илгариям бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Худо хоҳласа, мана бу йил Эркин Самандаровнинг «Жалолиддин Мангуберди» асарини қўлга олмоқчимиз. Усмон Азим, Эркин Аъзамовларнинг янги асарларини театр соғиниб қолди...*

**— Суҳбатимиз охирида театр мухлисларига тилакларингиз.**

*— Ҳақиқий ўзбек санъати шинавандалари бўлган мухлисларимизга бахт-саодат, эзгулик ёр бўлишини тилайман. Хонадонларидан рўшнолик аримасин. Санъат йўли — ҳаёт йўли, соф санъатдан ҳеч қачон ихлоси қайтмасин.*

**Жасур ҲУСАНОВ суҳбатлашди.**

САЙИЛГОҲ
ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

*Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.*

**Имом ал-БУХОРИЙ**

*Фақат бир эзгулик бор — билим ва фақат бир ёмонлик бор жаҳолат.*

**СУҚРОТ**

*Илмдан бир шуъла дилга тушган он,*
*Шундан билурсанким илм бепоён.*

**ФИРДАВСИЙ.**

*Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар. Билим қайда бўлса, буюклик бўлар.*

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Қизиқ ва ғаройиб

### КОМПЬЮТЕР КАСАЛЛИГИ ШИФОХОНАСИ

Хитойда компьютер ўйинлари касаллигига дучор бўлганларни даволовчи шифохона анчадан бери ўз фаолиятини юритмоқда. Хитойлик руҳшунослар узоқ текширувлардан сўнг ҳар юз боладан саккиз нафари компьютер ўйинларига боғланиб қолганлиги, улар ҳатто мактабга ҳам бормай вақтларини турли ўйинлар билан тўлган интернетклубларда ўтказаётганини аниқладилар. Мутахассислар бундай ўйинларга берилган болалар вақтларини хушнудлик билан ўтказиш, ўйингоҳларга бемалол киришлари учун пул топиш мақсадида жиноятга ҳам қўл уришлари мумкин, деб хулоса чиқармоқдалар. Айни кунда илк фаолиятини бошлаган минг кишига мўлжалланган бу турдаги ягона шифохонада бўш ўрин йўқ. Мутасаддилар етарлича хавфли бу касалликдан хитойлик ёшларни сақлаб қолиш учун яна бир неча шифохоналар ташкил этишни режалаштирмоқдалар.

### ТЎРТБУРЧАК ТАРВУЗЛАР

Сиз думалоқ, тухумсимон, узунчоқ шаклдаги тарвузларни кўргансиз. Аммо тўртбурчак тарвузларга кўзингиз тушмаган бўлса керак.

Японияликларнинг таъкидлашларича, тарвуз тўртбурчак шаклга ҳам эга бўлиши мумкин экан. Бундай кўринишдаги тарвузлар харидорларнинг талабларини қондирмоқда. Ўзининг антиқа ташқи кўриниши билан ушбу ўсимлик Кунчиқар мамлакатда, нархи тахминан 90 доллар бўлса ҳам харидорбоп маҳсулот ҳисобланмоқда. Мамлакат селекционерларининг ўйлаб топган бу тарвузлари тўртбурчак шиша идишларда етиштириляпти. Уларнинг харидорларга хуш келишининг яна бир жиҳати шундаки, тўртбурчак тарвузларни транспортга юклаш анча қулай.

Японларнинг бу кашфиёти АҚШ олимларига тинчлик бермади. Улар энди тарвузларнинг энг кичик — мини кўринишларини оламга кўз-кўз қила бошладилар. Бундай йўл-йўл кичкинтой тарвузлар ғайриоддий тери билан қопланиб, диаметри бор-йўғи 12 сантиметрни ташкил қилади. Тарвузларнинг бу ғаройиб кўринишлари уларнинг мазасига ҳеч қандай таъсир қилмади.

Сиз бу маълумотдан ҳайратланган бўлишингиз мумкин. Агар юртимизнинг тарвуз экилган лалми майдонларига борган бўлсангиз американикларнинг бу кашфиётига ҳечам ажабланмаган бўлардингиз. Лалми тарвуз палагида баъзан диаметри 12 сантиметрдан ҳам кичик тарвузчалар учрайдики, ёриб кўрсангиз қип-қизил пишган, мазаси жуда ширин ва экологик тоза бўлади.

Нима бўлганда ҳам ушбу полиз маҳсулотининг таркибида жуда кўп микроэлементлар мавжуд бўлиб, инсон иммун тизимига кони фойдадир. Парҳез сақловчиларнинг фикрича, маълум бир кун тарвузли таомлар куни деб белгиланса, ортиқча вазнни йўқотибгина қолмай, организмдаги кераксиз моддаларни чиқариб ташлашга, тери ҳолатини яхшилашга ҳам ёрдам беради.

Ҳангома

### УСТОЗ ЖАВОБИ

Сойиб ака роллар ижро этаётганида ўзидан кўп сўзларни қўшиб юборар, бунинг учун раҳбарлардан дакки эшитар эди. Мажлислардан бирида бундай ўзбошимчалиги учун қаттиқ огоҳлантирилади.

Эртаси куни бир спектакль репетициясида Сойиб Хўжаев актёр шериги — Суръат Пўлатовни зиндонга олиб тушадиган саҳнани машқ қилишаётган экан. Устоз шундай дейди:

— Суръатжон, шу ерда мендан бир оғиз «Бу ер нега қоронғу?» деб сўраб қўйгин. Муаллиф буни эсидан чиқарган кўринади.

— Хўп бўлади, устоз.

Эртаси куни ўша спектакль саҳнада ўйналаётганда Суръат Пўлатов келишилгандек ўша саволни беради:

— Ие, бу ер нега қоронғу?

Худди шу саволни кутиб, ўқланган милтиқдек шай бўлиб турган устоз боплаб жавоб беради:

— Нима, бу ер сенга энангни уйимиди чироқ ёқиб қўядиган!

**Шодмон ОТАБЕК**

Спорт

### ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

*Германиянинг Штутгарт шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда олти нафар вакилимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди.*

*Ушбу нуфузли мусобақада шоҳсупага кўтарилиш бахти ҳамюртларимиздан фақат Антон Фокингагина насиб этди. Спортчимиз кўпкураш баҳсларида ўн олтинчи натижани қайд қилган бўлса-да, брусь машқларида ўзини кўрсатди. Якунда 16,200 балл жамғарган Антон словениялик Митя Петковсек ҳамда Ким Дай Он (Жанубий Корея)лардан кейинги фахрли учинчи ўринни эгаллади.*

*Жаҳон чемпионатида бронза медалига сазовор бўлган ҳамюртимиз спорт гимнастикачиларимиз ўртасида биринчи бўлиб, 2008 йилда Пекинда ўтадиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, Антон Фокинга қадар енгил атлетикачиларимиз Виталий Смирнов, Светлана Радзивил, Надия Дусанова, Гузел Хуббиева, сузувчилар Ирина Шлемова, Пётр Ромашкина, дзюдочи Абдулла Тангриевлар Пекин олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишганди.*

### ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

*Боку (Озарбойжон)да бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилиги ҳамюртларимиз учун муваффақиятли якунланди. Моҳир мураббий Марат Қурбонов бошчилигида қатнашган ёш «чарм қўлқоп» усталари якунда битта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медали билан тақдирланиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.*

*Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоасининг ушбу ютуғига умидли боксчиларимиз Ўктамжон Раҳмонов (57 кг., олтин), Жалолиддин Ҳафизов (60 кг.), Авазбек Акрамов (60 кг., иккиси ҳам кумуш), Фазлиддин Ғойибназаров (54 кг.), Машҳурбек Рўзиев (63 кг., иккаласи бронза)лар муносиб улуш қўшдилар.*




Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм

### УЙ БЕКАЛАРИГА МАСЛАҲАТЛАР

◆ Картошка ёки бошқа сабзавотларни артганда қўлингиз қораймасин десангиз, ишни бошлашдан аввал қўлингизни сувда юмшатилган уксус билан артинг. Ёки сабзавот артаётиб қўлингизни ҳар замонда уксус солинган сувда чайиб олишингиз мумкин.

Бундан ташқари яна бир усул бор. Яъни лимон пўчоғини олиб, у билан қўлингизни артсангиз, қора доғлар кетади.

◆ Пиёз ёки саримсоқпиёзни тозалагандан кейин қўлдаги ёқимсиз ҳидни йўқотиш лозим. Бунинг учун қўлингизни нам туз билан артингда, кейин ювиб ташланг.

◆ Агар қўлингиз териси ёрилиб кетган бўлса, илитилган ўсимлик мойига 10-15 дақиқа чамаси ботириб туринг. Шундан сўнг қўлни ювмасдан, балки, яхшилаб артиш лозим.

◆ Кир ювиш кукуни қўл терисига салбий таъсир қилса, қўлни лимон шарбати билан артиш керак.

◆ Духовка патнисларидаги зангларни кетказиш учун унга ош тузи сепиб қўйинг ва 40-45 дақиқадан сўнг ҳўлланган латта билан артинг.

Қандай изоҳлайсиз?



### Газетамизнинг 8 сентябрь сонидаги изоҳсиз суратга жавоблар

*«Манаман деган полвонларни енгиб юрган чемпион бир болани овутишга куч тополмапти-я!»*

**Муҳаббат ФАРМОНОВА, Қоракўл тумани.**

*«Йўқ, мен енгилмадим, фақат ҳакамлар ғирромлик қилишди, болам!»*

**Шоҳиста ЭШБОЕВА, Термиз.**

*«Қўрқма қўзим, ўзимман*
*Икки қаро кўзингман.*
*Йиғламагин ҳеч қачон,*
*Ўзим ерy сен — осмон».*

**Наима ҚОДИРОВА, Қашқадарё вилояти.**

*«Нега қорнимга тепасан, қайси каратэчининг боласисан ўзи?»*

**Тўра ЗИЁДОВ, Қўқон шаҳри.**



BOSH MUHARRIR:
'Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8101 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 4 6
Sotuvda erkin narxda